

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ**

**ШОМУРОДОВ ҲАБИБУЛЛО ФАЙЗУЛЛОЕВИЧ**

**ҚИЗИЛҚУМНИНГ ЕМ-ХАШАК ЎСИМЛИКЛАРИ ВА УЛАРДАН  
Фойдаланиш истиқболлари**

**03.00.05 – Ботаника**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

<b>Шомуродов Хабибулло Файзуллоевич</b> Қизилқумнинг ем-хашак ўсимликлари ва улардан фойдаланиш истиқболлари.....	3
<b>Шомуродов Хабибулло Файзуллоевич</b> Кормовые растения Кызылкума и перспективы их использования.....	29
<b>Shomurodov Khabibullo Fayzulloyevich</b> Fodder plants of Kyzylkum desert and outlooks of it's rational use.....	55
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	59

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ**

**ШОМУРОДОВ ҲАБИБУЛЛО ФАЙЗУЛЛОЕВИЧ**

**ҚИЗИЛҚУМНИНГ ЕМ-ХАШАК ЎСИМЛИКЛАРИ ВА УЛАРДАН  
Фойдаланиш истиқболлари**

**03.00.05 – Ботаника**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Биология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/B65 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ботаника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.floga\\_fauna.uz](http://www.floga_fauna.uz)) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хасанов Фурқат Орунбоевич**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Печеницын Владимир Петрович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Белолипов Игорь Владимирович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Мавланов Хударган**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ботаника институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 27.06.2017.B.39.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «5» март куни соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй. Ботаника институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: [botany@academy.uz](mailto:botany@academy.uz)).

Диссертация билан Ботаника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (26-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй, Тел.: (+99871) 262-37-95.

Диссертация автореферати 2018 йил «17» февраль куни тарқатилди.  
(2018 йил «17» февралдаги 2-рақамли реестр баённомаси).

**К.Ш. Тожибаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, б.ф.д., проф.

**Б.А. Адилов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, б.ф.н.,  
катта илмий ходим

**Ф.И. Каримов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси  
ўринбосари, б.ф.д.

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда аҳоли сонининг тез суратларда ошиб бориши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабнинг ҳам тобора ўсишига олиб келмоқда. Чорвачилик учун озиқа базасининг чекланганлиги ва айниқса, яйлов чорвачилиги учун ем-хашак базасининг тақчиллиги мавжуд табиий яйловзорлардан самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқишни талаб этади. Бу ўринда, табиий яйловлардаги ем-хашак ўсимликларни аниқлаш, юқори озиқабоп турлардан кенг фойдаланиш ва чорвачилик базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини йўлга қўйиш долзарб муаммолардандир.

Жаҳонда чорва молларини қарийб йил давомида тайёр озиқа билан таъминлайдиган чўл яйловларининг ем-хашак ресурслари имкониятини баҳолаш ва инқирозга учраётган яйловлар ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, турли омиллар таъсирида чўл яйловлари ўсимликлар қопламида юз бераётган ўзгаришлар ем-хашак флорасини тўлиқ инвентаризациялаш ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари ишлаб чиқишни талаб этади. Бу ўринда, Марказий Осиёда алоҳида аҳамиятга эга бўлган Қизилқум яйловлари флорасининг Эрон, Кавказ, Шимолий Ўрта Осиё ва ҳатто Қашқар-Шинжанг флоралари билан яқин боғлиқлиги кенг экологик диапазонли ем-хашак турлардан деградацияга учраган майдонлар фитомелиорациясида фойдаланиш истиқболларини белгилаб беради. Шунингдек, чорва моллари учун янги озуқа манбаларини топиш ва ундан самарали фойдаланиш борасида Қизилқумнинг Орол денгизининг қуриган туби қисмида вужудга келган табиий яйловлардан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш бугунги кун талабига ҳамоҳангдир. Шунга кўра, Қизилқумнинг ем-хашак ўсимликларини аниқлаш, хўжалик-ботаник гуруҳларга ажратиш, Орол денгизининг қуриган туби ўсимликлари харитасини тузиш, тузга чидамли истиқболли турларини амалиётга жорий этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикамизда чорвачилик тармоғини ривожлантириш учун чорвачилик озиқа базасини мустаҳкамлаш ва истиқболли ем-хашак турларни амалиётга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, ем-хашак экинларининг янги навларини яратиш, ноанъанавий ем-хашак ўсимликларни интродукция қилиш ва инқирозга учраган яйловлар ҳосилдорлигини ошириш борасида муайян натижаларга эришилди. Шу билан бирга, чўл яйловларидан унумли фойдаланиш ва яйлов чорвачилигини янада ривожлантириш учун Қизилқум ем-хашак ўсимликларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш истиқболларини баҳолаш бўйича илмий асосланган натижалар талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида<sup>1</sup> «... чорвачилик

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 октябрдаги 845-сон «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларида тўғрисида»ги қарори.

тармоғи озуқа базасини тизимли асосда мустаҳкамлаш, чорвачилик хўжаликлари ва ташкилотларини юқори сифатли озуқа билан барқарор таъминлаш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан холда, жумладан, Қизилқум ем-хашак ўсимликлари тур таркибини аниқлаш, ейилувчанлик кўрсаткичи бўйича баҳолаш, яйловлардан тизимли фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида ем-хашак ўсимликларнинг биотоплар бўйича тақсимланишини асослаш, яйловларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини аниқлаш, тузга чидамли истиқболли ем-хашак турларни инқирозга учраган яйловлар ҳолатини яхшилаш тадбирларига жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сон «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 октябрдаги 845-сон «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чоратадбирларида тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.**<sup>2</sup> Яйлов ем-хашак ўсимликлари хилма-хиллигини аниқлаш ва инқирозга учраган яйловларни яхшилашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан Utah State University (АҚШ), Technical University of Greifswald (Германия), Institute of Botany (Хитой), Royal Botanical Garden Edenburg (Шотландия), Ben-Gurion University of the Negev (Исроил), Kunming Institute of Botany (Хитой), En Gedy Nature Reserve (Исроил), Xinjiang Institute of Ecology and Geography (Хитой), Марказий Сибир Ботаника боғи (Россия), Ботаника ва фитоинтродукция институти (Қозоғистон) ва Ботаника институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Яйлов ем-хашак ўсимликлари маълумотлар базасини тузиш, табиий ем-хашак ўсимликларидан сунъий яйловлар яратиш, яйловлардаги эндемик таксонлар популяцияларининг замонавий ҳолатини баҳолашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: алоҳида маъмурий ҳудудлар ва уларнинг асосида тўлиқ бир континентнинг ем-хашак ўсимликлари маълумотлар базасини тузиш

---

<sup>2</sup> Диссертациянинг мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.km.ru>, [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com), [researchgate.com](http://www.researchgate.com), <http://www.fundamental-research.ru>, [www.webofscience.com](http://www.webofscience.com) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

услуглари такомиллаштирилган (Institute of Botany, Хитой); Евроосиё арид ва субарид экосистемаларида юз бераётган динамик ўзгаришлар механизми аниқланган (Марказий Сибир Ботаника боғи, Россия); сунъий агроценозлар барпо этиш ҳисобига яйловларнинг ҳосилдорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқилган (Xinjiang Institute of Ecology and Geography, Хитой); инқирозга учраган яйловлар фитомелиорациясида фойдаланиладиган ем-хашак ўсимликларининг шўрга мослашиш механизмлари аниқланган (Ben-Gurion University of the Negev, Исроил); камёб ва эндемик турлар популяцияларининг замонавий ҳолатини баҳолаш услублари такомиллаштирилган (Kunming Institute of Botany, Хитой).

Дунёда ем-хашак ўсимликлари флорасини аниқлаш ва яйловлар ҳолатини баҳолаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ем-хашак ўсимликларининг ягона маълумотлар базасини тузиш, қурғоқчил ва шўрга чидамли истиқболли турларининг ген банкини яратиш, камёб ва муҳофазага муҳтож ем-хашак ўсимликларини *quansi in situ* шароитида сақлаб қолиш йўллари ишлаб чиқиш, яйловларни пайҳонланиш даражаси акс эттирилган йирик масштабли хариталарини тузиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қизилқумда тарқалган айрим ем-хашак ўсимликлар тавсифи ва инқирозга учраган яйловларни тузга ва қуруқликка чидамли юқори маҳсулдор ем-хашак ўсимликлар ҳисобига яхшилаш В.А. Бурыгин ва бошқ. (1956), И.И. Гранитов (1964, 1967), И.Ф. Момотов (1965, 1967, 1973), А.Г. Алимжанов (1967), Л.С. Гаевская (1971), М. Ережепов (1974, 1978), Шамсутдинов, (1975) ва бошқаларнинг ишларида акс эттирилган. Орол денгизи қуриган саҳнининг айрим ҳудудлари ўсимликлар қоплами харитаси Ш.К. Камалов (2001), Л.А.Димеева (2010, 2011) ва бошқалар ишларида келтирилган. МДХ мамлакатларида ўсимликлар ценопопуляциялари ҳолатини баҳолаш бўйича маълумотларни В.А. Черемушкина, А.Ю. Асташенков (2009), Е.Б. Колегова (2010), Т.В. Леонова (2011), Е.М. Олейникова (2014), И.Н. Барсукова (2016), А.Ахмедов, В.А. Черемушкина (2016, 2017) ва бошқалар ишларида учратиш мумкин. Ўзбекистонда эндем, камёб ва йўқолиб кетаётган ўсимлик турлари ценопопуляциялари замонавий ҳолатини баҳолашга оид маълумотлар Ш.У. Саробаева (2017), О.Абдураимов (2017) ишларида келтирилган.

Юқоридаги тадқиқот ишлари, Қизилқумнинг ем-хашак ўсимликлари таркибини аниқлаш, уларнинг биотоплар бўйича тақсимланиши ва ейилувчанлиги, тадқиқот олиб борилган ҳудуд яйлов флораси таркибидаги камёб ва йўқолиб кетаётган турлар популяцияларининг замонавий ҳолатини баҳолаш, Орол денгизи қуриган туби сукцессияси қонуниятлари ҳамда уни хариталаш бўйича маълумотларни тўлиқ ўзида акс эттира олмайди. Шунга кўра, Қизилқум ем-хашак ўсимликларини аниқлаш ва уларни комплекс таҳлил қилиш, камёб ва йўқолиб кетаётган турлари ценопопуляцияларининг экологик-фитоценотик мослашувини аниқлаш ва ценопопуляцияларининг ҳолатини баҳолаш, Орол денгизи қуриган тубининг ўсимликлар қоплами харитасини тузиш ҳамда Орол денгизи қуриган туби кўчар қумларини

мустаҳкамлаш учун шўрга чидамли ем-хашак ўсимликларни танлаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ботаника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг П-11.1.10 “Чўлланиш жараёнининг замонавий босқичида чўл-яйлов ўсимликлари қопламидан оқилона фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” (2003-2005), ФА-ФЗ-Т115 “Жанубий-Ғарбий Қизилқум ва Оролқум ўсимлик қопламининг трансформация ва галоадаптация хусусиятлари” (2007-2011), ФА-А7-Т005 “Чўлланиш жараёнида Қизилқум қолдиқ тоғлари камёб ўсимликлари ценопопуляцияларининг ҳолатини баҳолаш” (2015-2017) ва халқаро лойиҳа STCU P-225 “Кўчар қумликларнинг мустаҳкамлаш техникасига оид тадқиқотлар” (2005-2008) мавзуларидаги амалий ва фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қизилқум ем-хашак ўсимликлари флорасини аниқлаш ва истиқболли турларини танлаш асосида инкирозга учраган яйловлар ҳолатини яхшилаш йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қизилқум ем-хашак ўсимликларининг комплекс (таксономик таркиби, энднизм, биоморфологик хусусиятлари, экологик мослашуви, географик тарқалиши) таҳлил қилиш;

Қизилқумнинг камёб ва йўқолиб кетаётган турлари ценопопуляцияларининг экологик-фитоценотик мослашувини аниқлаш;

камёб турларнинг онтогенетик структураси ва ценопопуляциялари ёш типларини аниқлаш;

организм ва популяцион белгилар асосида камёб ва йўқолиб кетаётган турлар ценопопуляцияларининг ҳолатини баҳолаш;

Орол денгизи қуриган тубининг ўсимликлар қоплами харитасини тузиш;

Орол денгизи қуриган туби кўчар қумларини мустаҳкамлаш учун шўрга чидамли ем-хашак ўсимликларни танлаш;

Орол денгизининг қуриган тубида истиқболли турларнинг ўсиш ва ривожланиш динамикасини таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Қизилқумнинг ёввойи ҳолда ўсувчи юксак даражали ем-хашак ўсимликлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** – флористика, популяцион экология, хариталаш ва фитомелиорация.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда лаборатория ва дала тадқиқотлари, популяцион, фенологик, хариталаш ва статистик методлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотининг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор Қизилқум ҳудудида тарқалган юксак ўсимликларнинг 68 оила ва 345 туркумига мансуб 908 тур ем-хашак ўсимликларининг рўйхати тузилган;

Ғарбий-Памиролой ва Ғарбий-Тёншон флораси базасида Қизилқум эндемизмининг прогрессив хусусияти исботланган;

Қизилқум ем-хашак флорасида бир йиллик ўсимликларнинг устунлиги

мазкур ҳудуд яйловларига антропоген босимнинг кучаяётганининг хавотирли индикатори эканлиги аниқланган;

Ўрта Осиё яйловларида шўрадошлар ва астрадошлар оилалари вакилларининг муҳим аҳамиятга эгаллиги асосланган ва уларнинг хўжалик аҳамиятига кўра алоҳида гуруҳлар сифатида ажратишнинг мақсадга мувофиқлиги исботланган;

Қизилқум яйловларида тарқалган 6 та камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турлар 35 та ценопопуляцияларининг экологик-фитоценотик тарқалиши аниқланган ҳамда ценопопуляцияларнинг структуралари очиб берилган;

Орол денгизининг қуриган тубида ўсимликлар қопламининг 4 типи ва 11 формациясига мансуб 30 та ассоциация ва уйғун бирликлар аниқланган;

Орол денгизининг қуриган тубида фитоценозларнинг бирламчи сукцессиясининг асосий механизмлари очиб берилган;

фан учун 3 та янги тур (*Allium rinae* F. O.Khass., Shomuradov et Tojibaev, *A. ravenii* F. O.Khass., Shomuradov et Kadyrov, *Astragalus kuldzhuktauense* F.O.Khass., Shomuradov & Esankulov) аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Қизилқумнинг 6 та камёб турларининг 35 ценопопуляциялари тарқалиши ва виталитет ҳолатини акс эттирувчи ГАТ хариталар тузилган;

Қизилқумнинг 6 та камёб ва муҳофазага муҳтож турлари популяцияларининг тарқалиши, структураси, экологияси ва ареалининг қисқариши сабабларига оид янги маълумотлар “Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби”нинг навбатдаги нашрига (2016) тақдим этилган;

Орол денгизи жанубий қуриган саҳни ўсимликлар қоплами динамикасини узоқ муддатли мониторингини олиб боришда бирламчи материал сифатида хизмат қилувчи йирик масштабли (М 1:200000) “Орол денгизининг жанубий қуриган саҳни ўсимликлари харитаси” тузилган;

абориген флора таркибидан ем-хашак ўсимликларининг шўрга чидамли 6 та истиқболли турлари танлаб олинган ва улар ёрдамида Орол денгизининг қуриган тубида юзага келган қум уюмларини мустаҳкамлаш йўллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда қўлланилган замонавий усуллар ва илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, тадқиқот натижаларини ўз ичига олувчи маҳаллий ва халқаро фундаментал, амалий лойиҳаларнинг илмий кенгаш томонидан тан олинганлиги, диссертация ишининг амалий натижалари тегишли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қизилқум ем-хашак ўсимликларининг комплекс таҳлили, эндемизм ва уларнинг бошқа ботаник-географик районлар билан флорогенетик боғлиқлигини очиб берилганлиги, флоранинг камёб ва йўқолиб кетиш арафасидаги турлари ценопопуляциялари структураси ва

типларининг аниқланганлиги, бир қатор организм в популяцияон белгилар ёрдамида ценопопуляцияларнинг замонавий ҳолатини баҳоланганлиги, Орол денгизи қуриган тубида фитоценозларнинг бирламчи сукцессияси механизмининг ёритилганлиги ва денгизнинг қуриган тубини мустаҳкамлаш учун танланган ем-хашак ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишини тўхтатувчи шўрланиш концентрациясининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти инқирозга учраган яйловларда фитомелиоратив тадбирларнинг амалга ошириш учун асос бўладиган ем-хашак ўсимликларнинг тўлиқ рўйхатини шакллантирилганлиги, тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турлари ценопопуляцияларининг тарқалиши ва виталитет ҳолатини акс эттирувчи хариталарининг тузилганлиги, Орол денгизининг қуриган туби ўсимликлар қоплами динамикаси устида узоқ муддатли мониторинг олиб бориш учун мўлжалланган йирик масшабли “Орол денгизининг қуриган туби ўсимликлар харитаси” нинг ишлаб чиқилганлиги ва денгизнинг қуриган туби кўчар қумликларида агрофитоценоз моделини яратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қизилқумнинг ем-хашак ўсимликлари ва улардан фойдаланиш истиқболлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

908 турдан иборат Қизилқумнинг ем-хашак ўсимликлари рўйхати «Asia Plant Mapping» халқаро лойиҳада Осиё юксак ўсимликлари хилма-хиллигини аниқлашда фойдаланилган (Хитой Фанлар академияси Биохилма хиллик бюросининг 2018 йил 12 январдаги маълумотномаси).; Натижалар Осиё минтақаси юксак ўсимликларининг тўлиқ рўйхатини шакллантириш ва уларнинг тарқалиш хариталарини ишлаб чиқиш имконини берган;

Қизилқум ем-хашак ўсимликларининг 68 оила, 345 туркум ва 908 турдан ташкил топган маълумотлар базаси ва ўсимлик жамоаларининг геоботаник қайдномалари «Марказий Осиёда чўлланиш муаммолари» лойиҳасида Жанубий Сибир экосистемаларининг таркибий ва динамик ўзгаришлари ва чўлланишнинг комплекс индекциясини аниқлаш, башоратлаш моделини тузиш ва мониторинг тизимини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Россия Фанлар академиясининг 2018 йил 17 январдаги 15344-02/21-9317-сон маълумотномаси). Натижалар Евроосиё арид ва субарид минтақалари экосистемаларидаги динамик ўзгаришларни қиёсий таҳлил қилиш ва Евроосиё ҳудудида чўлланиш жараёнини қонуниятларини аниқлаш имконини берган;

Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган 6 та камёб турлар популяцияларининг замонавий ҳолати оид маълумотлар ва уларнинг тарқалиши акс эттирилган ГАТ хариталар Навоий вилояти Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг амалий фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 6 февралдаги 03-01/12-1021-сон маълумотномаси). Натижалар турларнинг табиий ареаллари чегараларини

аниқлаш ва популяцияларининг замонавий ҳолатига оид маълумотларни бойитиш ҳамда Қизилқумнинг камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларининг муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган;

абориген флора таркибидан танлаб олинган 6 та шўрга чидамли ем-хашак ўсимликлари Навоий вилояти ҳудудидаги кўчар қумларни мустаҳкамлаш амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 6 февралдаги 03-01/12-1021-сон маълумотномаси). Натижалар инқирозга учраган кўчар қумликларни истиқболли ем-хашак ўсимликлари ҳисобига мустаҳкамлаш ва яйловлар ҳосилдорлигини ошириш имконини берган;

йирик масшабли (М 1:200000) «Орол денгизи жанубий қуриган саҳни ўсимликлар харитаси» ва унинг кўпбосқичли изоҳи «Геоинформкадастр» Давлат унитар корхонаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 31 январдаги 05-740-сон маълумотномаси). Илмий натижалар Орол бўйи ҳудуди ўсимликлар қопламининг электрон-рақамланган хариталарини тузиш ва ўсимлик жамоаларининг трансформация даражаларини баҳолаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 48 та илмий иш нашр этилган, шундан 2 таси монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 17 та илмий мақола, жумлада, 7 та республика ва 10 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 173 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Ем-хашак ўсимликлардан фойдаланишнинг амалий асослари”** деб номланган биринчи боби ем-хашак ўсимликларни аниқлаш бўйича илгари олиб борилган тадқиқотлар таҳлили, Қизилқумнинг инқирозга учраган яйловларини яхшилаш учун истиқболли ем-хашак ўсимликларини танлаш, Ўзбекистон ҳамда Ўрта Осиёнинг кўчар қумларини мустаҳкамлаш тажрибаларига бағишланган. Мазкур бобда тадқиқот усуллари ҳам батафсил ёритилган.

Диссертациянинг **“Қизилқум ўсимликлар қоплами ва флорасининг асосий хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ҳудудининг ем-хашак ўсимликлари ва ўсимликлар қопламининг хусусиятлари таҳлил қилинган. Қизилқумнинг ўсимликлар қопламини ўрганиш борасида Е.П.

Коровин (1961; 1962), И.И. Гранитов (1964; 1967), И.Ф. Момотов (1973), П.К. Закиров (1971), З. Майлун (1973), У.Т. Туремуратов (1978), Н.И. Акжигитова (1982), Е.И. Рачковская (2003), Л.А. Димеева (2010, 2011) каби йирик тадқиқотчилар исми билан боғлиқ бўлган ўлкан тадқиқотлар амалга оширилган. Шарқий Қизилқум ўсимликлар қопламини хариталаш йўли билан ўрганиш асосида ҳудуд ўсимликлари динамикасининг замонавий тенденцияси кўрсатилган ва ушбу жараёни кучайтирувчи омиллар ва деградация даражалари аниқланган.

Қизилқум флораси ўзининг ўзига хослигига қарамай етарли даражада ўрганилмаган. П.К. Закиров (1972) Қизилқум қолдиқ тоғлари флорасини (Нурота тоғи флораси билан бирга) 412 туркум ва 65 оилага мансуб 983 тур деб баҳолаган. Р.В. Камелин (1973) Қизилқум флорасини 580 турдан ташкил топган Жанубий-ғарбий Қизилқум флораси рўйхати асосида (Гранитов, 1964) 900 тур деб келтирган. А. Гельдиханов (1995) Қорақум флорасининг таҳлили натижасида Қизилқум флорасини 76 оила, 386 туркум ва 937 турдан ташкил топганини таъкидлаб ўтган. Ушбу рақамларни анча ишончли деб ҳисоблаш мумкин. Бизнинг маълумотларимизга кўра (Хасанов, Шомуродов, Қодиров, 2011), Қизилқум флораси 79 оила ва 402 туркумга мансуб 1043 турдан таркиб топган. Шубҳасиз, таксонлар сонининг кўплиги, аввало, камсонли тоғлиўртаосиё флораси элементлари сақланиб қолган қолдиқ тоғларининг яхлит тармоғи мавжудлиги билан боғлиқ. Бу ерда тоғлиўртаосиё турларининг чиқиб келиши, шунингдек бир қатор неозндём таксонларнинг мавжудлиги Қизилқум флорасининг унга чегарадош бўлган бошқа Турон флораларидан ажратиб турувчи асосий фарқ ҳисобланади.

Қизилқум флорасининг эндемизм таҳлили ушбу ҳудудни *Chenopodiaceae* оиласи вакиллари ҳукмронлик қилувчи (39 туркумдан 151 тур) Турон флорасининг асосий ядроси эканлигини кўрсатади. Монотип субэндём туркум *Piptoptera* Bunge (*P. turkestanica* Bunge) фақат шу ерда, Қорақумда ва Марказий Эронда учрайди. Аслида, ушбу икки йирик ўртаосиё чўллари учун умумий эндем турлар сони олтита. Қизилқум флорасининг Қозоғистон чўл флоралари билан янада яқинроқ флорогенетик алоқалари шўрадошлар оиласининг кўплаб бошқа эндем туркумлари таҳлилида кузатилади. *Borszczowia* Bunge (*B. aralocaspia* Bunge), *Cornulaca* Delile (*C. korshinskyi* Litv.), *Iljinia* Korovin (*I. regelii* (Bunge) Korovin), *Londesia* Fisch. et C.A. Mey. (*L. eriantha* Fisch. et C.A. Mey.) ва *Kirilovia* Bunge (*K. eriantha* Bunge) каби ўзига хос туркумлар Қизилқумда кенг тарқалган. Шўрадошлар оиласининг бошқа икки эрон-афғон-турон туркумлари – битип туркумлар *Bienertia* Bunge (*B. cycloptera* Bunge ва *B. sinuspersisi* Akhani) ва *Alexandra* Bunge (*A. lehmanii* Bunge ва *A. imperaticis* R.H.Schomb.), *Piptoptera* каби нафақат шимолий-ўртаосиё, балки Турон, хусусан эрон-хуросон флоралари билан ҳам қариндошлик алоқалари мавжудлигини намоён қилади. Агар шўрадошлар оиласининг бошқа полиморф туркумлари эндем турлари таҳлил қилинса, масалан, *Salsola* L., ўрганилган ҳудуд учун унинг фақат 3 та эндем турини (*S. deserticola* Iljin, *S. androssovii* Litv. ва *S. angusta* Botsch.), унга яқин *Climacoptera* Botsch. Туркуми учун эса 2 та бир йиллик галофил турларни

келтириш мумкин – *C. merkulowiczii* (Zakirov) Botsch., *C. minkwitzae* (Korovin) Botsch. Арэалининг жанубий-шарқий қисмида Султонвайстоғгача борувчи турон реликт эндеми *Xylosalsola chiwensis* (Popov) Akhani & Roalson ни ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Шунингдек, Бадхзда ҳам ўсувчи субэндем тур *Suaeda turkestanica* Litv. ни ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Ва ниҳоят, *Halimocnemis* С.А. Меу. туркумининг 3 та бир йиллик галофил тури (*H. macrantha* Bunge, *H. latifolia* Пјин и *H. beresinii* Пјин) эндем ҳисобланади, бироқ охирги тур ареали бироз Қорақумга ҳам киради. Шундай қилиб, шўрадошлар оиласининг аксарият эндемлари галофил турлардир. Турлар сонининг кўплиги бўйича иккинчи ўринни *Asteraceae* Dumort оиласи (57 туркумдан 125 тур) эгаллайди. Ўрта Осиёда энг йирик туркумлардан бири *Cousinia* L. Қизилқумда атиги 19 турдан ташкил топган, улардан 4 таси эндем (*C. dolichoclada* Juz., *C. juzepczukii* Tscherneva, *C. umbilicata* Juz. и *C. sylvicola* Bunge), эътиборлиси *Dichotomae* Bunge чўл секциясига мансуб охирги тур Қозоғистоннинг шимолий қисмида ҳам ўсади. Монотип туркум *Lipskyella* Juz. (*L. annua* (С. Winkl.) Juz.) Қизилқум ва Қорақумнинг яна бир субэндем туркуми ҳисобланади. Қизилқумнинг псаммофил эндемларидан яна бири *Jurinea psammophila* Пјин ҳисобланади. Бўкантоғ ва Султонвайстоғда ўсадиган ажойиб олажинсли тур *Scorzonera bungei* Krasch. et Lipsch. ни эслатмасликнинг иложи йўқ. Қоқидошларнинг псаммофил эндемларининг нисбатан камлигини унинг қолдиқ тоғларда тарқалган оригинал таксонлари тўлдиради. Дикқатга сазовор яна бир далиллардан бири – Турон ўсимликлар қопламида доминантлик қилувчи *Artemisia* L. (19 тур) туркуми эндемларининг йўқлигидир.

Турлар сонининг кўплиги бўйича учинчи ўринни *Poaceae* Barnhart оиласи (115 тур) эгаллайди. Эндемлар сони жуда кам бўлиб, фақат 2 таксондан иборат (*Stipa aktauensis* Roshev., *Stipagrostis plumosa* ssp. *kusylkumica* (Tzvelev) Tzvelev). Буғдойдошларнинг оригиналлигини шунингдек, афғон-эрон-турон туркуми *Asthenatherum* Nevski (*A. forsskalii* (Vahl) R. Br.) кўрсатиб буради. *Fabaceae* Lindl оиласи Қизилқум флорасида 72 турни ўз ичига олади. *Astragalus* L. туркуми 43 турдан таркиб топган бўлиб, улардан 6 таси (*A. nabievii* F.O.Khass. & Esankulov, *A. leiophysa* Bunge, *A. centralis* E. Sheld., *A. holargyreus* Popov, *A. kuldzhuktauense* F.O.Khass., Shomuradov & Esankulov, *A. adylovii* F. O. Khass., Ergashev et Kadyrov) асосан қолдиқтоғлар учун эндем ҳисобланади. Сўнгги 4 тур ва хусусан, Қулжуктоғда яқинда топилган *A. adylovii* Нурота Оқтоғи эндеми *A. nuratense* Popov га яқин бўлиб, тоғли Ўрта Осиё флористик элементи ҳисобланади. Ушбу ўринда Жанубий Туроннинг ажойиб псаммофил эндем ўсимлиги – монотип *Smirnowia* Bunge (*S. turkestanica* Bunge) туркумини эслатиш жоиз. Мазкур турни ландшафт ҳосил қилувчи турлар қаторига қўшиб бўлмайди. Чунки у Қизилқумда бир-биридан узоқ жойлашган санокли популяциялардан ташкил топган. Қулжуктоғнинг олажинсли жанубий этакларида ўсувчи жуда камёб тур *Onobrychis tavernierifolia* Stocks ex Boiss. Хуросон билан узвий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатиб туради (мазкур тур айнан Хуросондан ёзилган). Ўрганилган флоранинг манфий хусусиятлардан бири сифатида

Қизилқумда Тоғли Ўрта Осиё флораси учун хос бўлган *Acantholimon* Boiss., *Hedysarum* L., *Lepidolopha* C. Winkl., *Potentilla* L., *Oxytropis* L каби туркумлар турларининг учрамаслигини кўрсатиш мумкин. Қизил китобга киритилган Шарқий Қизилқум эндеми *Bryonia melanocarpa* Nabiev (*Cucurbitaceae* Juss.) ушбу туркумнинг яна бир бор тяншон илдизларига урғу берувчи Ўрта Осиёдаги ягона псаммофит вакили ҳисобланади. Ва ниҳоят, яқинда ёзилган пиёзларнинг 2 неоэндем тури (*Allium kysylkumii* Kamelin ва *A. rinae* F.O.Khass., Shomuradov et Tojibaev) ғарбий помиролой тури – *A. stephanophorum* Vved. ва кенг тарқалган турон тури – *A. borszczowii* Regel (секция *Multicaulea* F.O. Khass.) нинг яқин эканлигини кўрсатади. Юқорида келтирилган тоғ турлари ҳозирги кунда камсонли бўлиб, фақат айрим ҳолатлардагина петрофит микрогуруҳлар ҳосил қилади. Ягона истисно сифатида Қулжуктоғ ва Кўкчатоғ шимолий этакларининг сув айирғичлари қисмларида кичик контурлар ҳосил қилувчи эфемероидлар жамоасини келтириш мумкин. Қолдиқ тоғларнинг тоғ элементлари ҳисобланган аксарият турлар эса псаммофит буталар ва яримбутачалар жамоалари орасида қоя жинслар ёриқларида ўсади. Африка ва Осиёолди чўлларининг тошли тоғларини англатувчи гамада термини Қизилқумнинг аксарият қолдиқ тоғлари учун ҳам тўлалигича қабул қилинади. Ўсимликларнинг яна бир олажинсли гипсли ўсимликлар типи тоғли Ўрта Осиёнинг олд тизмаларида жуда сийрак ҳолда кенг тарқалган. Тошли чўлларнинг флористик бой комплекси псаммофитондан фақатгина олажинсли ўсимликларнинг айрим кўринишлари ёки микрогуруҳлари мавжудлиги, шунингдек тоғлиўртаосиё петрофитони ва яримсаванналарнинг паст бўйли ўтлари мавжудлиги билан ажралиб туради. Замоनावий полеоботаник маълумотлар (Шеломенцева, 1992) бу ерда *Lythraceae* J. St.-Hil оиласига мансуб *Sonneratioxylon turoicum* Shelomentzeva каби рилект турлар мавжудлигини ва мазкур тур ҳинд-малай палеоген тури *S. dudukurensis* га яқин ва, ҳатто, шимолий американинг Сонор монотип замонавий реликт оиласи *Sonneratiaceae* Engl. et Gilg. билан қардошлигини кўрсатади. Шундай қилиб Қизилқум қолдиқ тоғларининг флораси яқин ўтмишда шимолий ва жанубий чўлларни ажратувчи ўзига хос тўсиқ бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Зеро, бу тўсиқ ғарбда Устюрт платосига қадар чўзилган бўлиб, бу ерда (чинқда) ханузгача айрим тоғлиўртаосиё флористик элементлар сақланиб қолган (*Crataegus korolkowii* L. Henry).

Диссертациянинг **“Қизилқумнинг ем-хашак ўсимликларининг таҳлили”** деб номланган учинчи бобида ем-хашак ўсимликларининг комплекс таҳлили келтирилган.

Биринчи бўлим тадқиқот ҳудуди ем-хашак ўсимликларининг таксономик таҳлилига бағишланган. Қизилқумнинг ем-хашак ўсимликлари 68 оила ва 345 туркумга мансуб 908 турлардан ташкил топган. Қизилқумнинг ем-хашак ўсимликлари спектрида *Chenopodiaceae* (148 тур), *Asteraceae* (112), *Poaceae* (106), *Fabaceae* (68), *Brassicaceae* (67), *Polygonaceae* (59), *Boraginaceae* (37), *Caryophyllaceae* (33), *Lamiaceae* (24) ва *Apiaceae* (21) оилалари етакчи ўринни эгаллайди. Етакчи туркумлар спектри қуйидаги кўринишга эга:

*Astragalus* (41 тур), *Calligonum* (34), *Salsola* (29), *Artemisia* (19), *Cousinia* (16), *Climacoptera* (15), *Suaeda* (15), *Polygonum* (15), *Atriplex* (12), *Allium*, *Ferula*, *Halimocnemis* ва *Convolvulus* (10 тадан) (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Қизилқум ем-хашак ўсимликларининг етакчи оилалар спектри

Оилалар номи	Турлар сони	Умумий флорадан %	Туркумлар номи	Турлар сони	Умумий флорадан %
Chenopodiaceae	148	16,3	<i>Astragalus</i>	40	4,4
Asteraceae	112	12,3	<i>Calligonum</i>	34	3,7
Poaceae	106	11,7	<i>Salsola</i>	29	3,2
Fabaceae	67	7,4	<i>Artemisia</i>	19	2,1
Brassicaceae	67	7,4	<i>Cousinia</i>	16	1,8
Polygonaceae	57	6,3	<i>Climacoptera</i>	15	1,6
Boraginaceae	37	4,1	<i>Suaeda</i>	15	1,6
Caryophyllaceae	33	3,6	<i>Polygonum</i>	15	1,6
Lamiaceae	24	2,6	<i>Atriplex</i>	12	1,3
Apiaceae	21	2,3	<i>Allium</i>	10	1,1
			<i>Ferula</i>	10	1,1
			<i>Convolvulus</i>	10	1,1
<b>Жами:</b>	<b>672</b>	<b>74,0</b>	<b>Жами:</b>	<b>225</b>	<b>24,6</b>

Бобнинг иккинчи бўлими Қизилқум ем-хашак ўсимликларининг ҳаётий шакллари ва ейилувчанлиги таҳлиliga бағишланган. Ўсимликларнинг озуқа қийматини озуқа бирлиги ва протеин миқдорида ифодаланган озуқабоплиги асосида, баъзан эса ҳайвон турлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тавсифлаш қабул қилинган. Турли адабиёт манбаларида Қизилқумда учрайдиган 860 тур учун ем-хашак тавсифи келтирилган. Улар орасида суноб истеъмол қилинадиган турлар – 171, қоникарли ейиладиган турлар – 468, ёмон ейиладиган турлар – 187 турни ташкил қилади. 34 тур захарли бўлиб, ҳайвонлар томонидан деярли ейилмайди.

Табиий яйлов-пичанзорларнинг ем-хашак ўсимликлари хўжалик жиҳатдан 4 гуруҳга бўлинади: буғдойдошлар, бурчокдошлар, ҳилолдошлар ва ҳар хил ўтлар (Медведев ва бошқ., 1981; Хасанов ва бошқ., 1996; <http://rspu.edu.ru/projects/plants>). Табиий иқлим шароитлари ва фитоценотик хусусиятларидан келиб чиқиб Ўрта Осиёнинг арид минтақалари учун яна икки гуруҳни ажратиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилди: шўрадошлар (*Chenopodiaceae*) ва қоқидошлар (*Asteraceae*). Ушбу гуруҳларни ажратишнинг мақсадга мувофиқлиги нафақат ушбу оилаларнинг турларга бойлиги ва ем-хашак ўсимликларининг ўзига хослиги билан (148 ва 112 мос

равишда), балки табиий яйловларда ушбу оила вакиллари устунлик қилиши билан ҳам асосланади. Бунга ушбу минтақа ем-хашак ўсимликларининг асосини ташкил қилувчи саксаулзор, черкеззор, терескензор, боялишзор, шувоқзорларнинг кенг майдонларни эгаллаши яққол мисол бўлиши мумкин. Бошқа томондан бориал минтақа яйловларида кенг тарқалган хилолдошлар Ўрта Осиё, хусусан, Қизилқумда атига 18 тур билан иштирок этади ва шунга кўра ушбу оила вакиллари ҳар хил ўтлар гуруҳи таркибига жойлаштирилди (2-жадвал).

## 2-жадвал

Ем-хашак ўсимликлари ҳаётий шакллари ушбу хўжалик-ботаник гуруҳлар бўйича тақсимланиши

Хўжалик-ботаник гуруҳлар	Б и о м о р ф л а р									Жами
	дарахт	буга	бугача	ярим буга	ярим бугача	кўп йиллик	икки йиллик	бир йиллик	бир-икки йиллик	
Росеае (Буғдойдошлар)	-	-	-	-	-	41	-	64	-	<b>105</b>
Fabaceae (Бурчокдошлар)	-	11	5	6	-	25	1	19	-	<b>67</b>
Variherbatum (Ҳар хил ўтлар)	8	62	0	26	1	177	8	189	5	<b>476</b>
Chenopodiaceae (Шўрадошлар)	4	4	6	12	6	-	-	116	-	<b>148</b>
Asteraceae (Қоқидошлар)	-	1	-	5	9	42	11	39	5	<b>112</b>
<b>Жами:</b>	<b>12</b>	<b>78</b>	<b>11</b>	<b>49</b>	<b>16</b>	<b>285</b>	<b>20</b>	<b>427</b>	<b>10</b>	<b>908</b>

Қизилқум ем-хашак ўсимликлари орасида бир йиллик ўтлар доминантлик қилиб (барча таксонларнинг деярли ярми), кўп йиллик ўтлар 283 турни ўз ичига олади (31,1%), дарахт-буга ҳаётий шакллари эса 166 турдан ошмайди (12,7%). Шўрадошлар оиласида икки ва кўп йиллик ўсимликларнинг йўқлиги, Туроннинг Осиё чўлларида доминантлик қилувчи ушбу оиланинг муҳим келиб чиқиш (сода буталар мисолида) ва тур ҳосил бўлиши (бир йиллик ўтлар ва яримбугачалар мисолида) маркази эканлигидан далолат беради.

Учинчи бўлим ем-хашак ўсимликларининг биотоплар бўйича таҳлилига бағишланган. Ем-хашак ўсимликларининг биотоплар бўйича тақсимланиши таҳлили қолдиқ тоғларда турлар хилма-хиллигининг юқориликни кўрсатади. Кулжуктоғнинг шарқий қисмида ҳалигача *Anemone petiolulosa* Juz., *Shibateranthis longistipitata* (Regel) Nakai, *Ranunculus sewerzowii* Regel, *Thalictrum isopyroides* C. A. Mey., *Lepyroclis holosteoides* (C. A. Mey.) Fisch. et C. A. Mey., *Amygdalus spinosissima* Bunge, *Astragalus adylovii* F.O.Khass., Ergashev et Kadyrov, *A. kuldzhuktauense* F.O.Khass., Shomuradov & Esankulov

каби кўплаб тоғлиўртаосиё элементлари сақланиб қолган. Кўкчатоғ тизмасидан Ўзбекистоннинг камёб эндеми – *Iris hippolyti* (Vved.) Kamelin билан бирга *Gagea taschkentica* Levichev, *Gentiana olivieri* Griseb., *Tulipa korolkowii* Regel ва *T. micheliana* Hoog. каби ҳақиқий тоғ турлари топилган. Тоғ флораси генезисига эга бундай таксонлар қолдиқ тоғларда 40 дан кам бўлмаган турларни ўз ичига олади ва тоғ жинслари ёриқларида псаммофит бута ва яримбутача жамоалари орасида ўсади. Қолдиқ тоғларда 514 дан кўпроқ ем-хашак ўсимликлари ўсади (қолдиқ тоғлар флорасининг 90,1%) ва бу умумий Қизилқум флорасининг 48,9% ни ташкил қилади. Улардан 149 таси фақат мазкур экотоп учун хос. Ем-хашак ўсимликларга бойлиги жиҳатдан иккинчи ўринни Қизилқумнинг қумликлари эгаллайди. Бу ерда 489 дан кўпроқ ем-хашак ўсимлик турлари ўсади ва улардан 76 таси ҳақиқий псаммофит турлар ҳисобланади. Қумликларда турлар сони бўйича, *Chenopodiaceae* (67 тур), *Asteraceae* (64), *Poaceae* (49), *Brassicaceae* (44) оилалари ҳукмронлик қилади ва қолдиқ тоғлардан фарқли равишда *Polygonaceae* (41) оиласи *Calligonum* L. (34) туркуми турлари кўплиги ҳисобига етакчи оилалар қаторига киради. Қизилқум қумликлари яйловларининг сифатини ошириш, шубҳасиз, *Halothamnus*, *Haloxylon*, *Salsola*, *Krascheninnikovia*, *Kochia* каби туркумлар ем-хашак вакилларининг иштирок этиши билан боғлиқ. Улар Қизилқумнинг псаммофил ўсимликлари асосини ташкил этиб, деярли йил мобайнида чорва моллари севиб истеъмол қиладиган озуқа ҳисобланади.

Қизилқум гипсли тупроқларининг ем-хашак ўсимликлари 305 турни ташкил этади. Турлар сонининг кўплиги бўйича етакчи ўринни қуйидаги оилалар эгаллайди: *Chenopodiaceae* (78 тур), *Poaceae* (42), *Asteraceae* (28), *Brassicaceae* (26), *Polygonaceae* (23). Айрим муаллифларнинг таъкидлашича (Коровин, 1961; Гранитов, 1967), Ўрта Осиёнинг гипсли чўллари ўсимликлар қопламида ландшафт ҳосил қилувчи турлар асосини чўл шароитига яхши мослаша олган яримбутачалар ташкил этади. Яримбуталарнинг ландшафт ҳосил қилиш хусусиятига қарамай, бу ерда бир йиллик ўтлар устунлик қилади – 170 тур, сўнг кўп йиллик ўтлар – 65 тур, бута ва яримбуталар – 54 тур, дарахтлар эса 2 турни ташкил этади. Мазкур экотопда Қизилқумнинг 43% суюб ейилувчи ва 34% қониқарли ейилувчи ўсимлик турлари жамланган. Заҳарли ўсимликлар сони 20 дан ошмайди.

Қизилқумнинг шўрланган тупроқларида 268 ем-хашак ўсимлик турлари ўсади. Улардан 104 таси *Chenopodiaceae* оиласи вакиллари ҳисобланади. Иккинчи ўринни *Poaceae* (38) оиласи эгаллайди, сўнг *Asteraceae* (24), *Brassicaceae* (15) ва *Polygonaceae* (12). Юқорида кўрсатилган 268 ўсимликдан 41 таси ҳақиқий галофитлар ҳисобланади (15,2%). Шу ўринда ҳақиқий галофитларни (31 тур) 75,6% ни ташкил этган *Chenopodiaceae* оиласи ролини алоҳида қайд этиш жоиз. Бу ўз навбатида Н.И. Акжигитованинг (1982) Ўрта Осиёнинг шўрланган ерларида мазкур оила вакилларининг ҳукмронлик қилиши тўғрисидаги фикрини яна бир бор тасдиқлайди. Қизилқумнинг шўрланган ерларида *Boraginaceae*, *Lamiaceae* ва *Apiaceae* каби йирик оилаларининг биронта ҳам вакили учрамайди.

Ҳозирги кунда Қизилқум тўқайлари Амударё, Сирдарё ва Зарафшон воҳаларида сақланиб қолган. Чўл дарёлари этаклари айнан кўплаб чорва моллари боқиладиган ҳудуд ҳисобланади. З.А. Майлун (1973) фикрига кўра, тўқайзорларда *Poaceae*, *Chenopodiaceae*, *Asteraceae*, *Fabaceae* ва *Tamaricaceae* оила вакиллари доминантлик қилади. Шўрланган ерларда шўрадошлар оиласи вакиллари ҳукмронлик қилгани каби дарё этаклари ўсимликлар қопламида буғдойдошлар оиласи вакиллари устунлик қилади. Қизилқум тўқайлари ем-хашак ўсимликларининг таҳлили бу ерда 37 оила ва 93 туркумга мансуб 166 тур юксак ўсимликлар ўсишини кўрсатади, улардан 64 тур фақат тўқайзорларга хос. Етакчи оилалар спектрини *Poaceae* (43 тур), *Chenopodiaceae* *Polygonaceae* (14 тадан), *Cyperaceae* (12), *Asteraceae* (11) ва *Brassicaceae* (10) оилалари бошқаради. Тўқайларда *Poaceae* ва *Cyperaceae* оиласи турларининг кўплиги уларнинг дарё воҳасига хослиги билан изоҳланади, *Asteraceae* ва *Brassicaceae* оилалари эса ўз навбатида қолдиқ тоғлардаги намгарчилик шароитига мослашганлиги билан изоҳланади.

Ўтказилган ареологик таҳлиллар истиқболли яйлов фитомелиорантларининг асосий гуруҳларини янада батафсилроқ аниқлаш имконини берди. Жами 129 та ареал типлари ажратилди ва географик яқинлиги принципи бўйича гуруҳларга умумлаштирилди. Потенциал истиқболли фитомелиорантлар рўйхатини тузишда уларнинг географик алоқаларини ўрнатиш мақсадида типлар бир қанча гуруҳларга ажратилди. Типларнинг биринчи гуруҳи Қизилқум ботаник-географик округи учун эндем ҳисобланган яйлов турларининг ўзига хос генезисини кўрсатади. 47 эндем турларнинг мавжудлиги бир томондан ўрганилаётган флоранинг ўзига хослигидан далолат беради, бошқа томондан эса – чегарадош ҳудуд субэндем турларини фитомелиорация ишларига жалб қилинишини назарда тутди. Бу аввало, Турон чўл провинцияси чегарасидан чиқмайдиган кўп сонли (216) турлар ареалига тегишлидир. Айнан ушбу гуруҳ вакиллари ўтказилган ҳамда келажакда режалаштирилаётган фитомелиорация лойиҳаларининг асосий мавзуси ҳисобланади. Яйловлардаги ўлкана аҳамияти билан эрон эндемлари гуруҳи алоҳида эътиборга молик. Келиб чиқиши Эрон билан боғлиқ турлар гуруҳини 85 тур ташкил этади. Бошқа бир камсонли (27 таксонга эга) ўртаосиё турлари гуруҳи қолдиқ тоғлар фитомелиорацияси учун катта қизиқиш касб этади. Кавказ турлари билан боғлиқ гуруҳ ҳақида ҳам худди шу фикрни юритиш мумкин (ареали узоқ шарққа Жунғор, Синьцзян ва жанубий Сибиргача кириб боради). Ареали европа ҳудудларигача кириб борувчи турларнинг яна бир катта гуруҳи яйлов флорасининг қадимийўртаерденгизи генезисини намоён қилади. Бошқа томондан эса ушбу гуруҳ Қизилқум яйлов флорасининг евро-ўртаерденгизи элементлари билан, баъзан эса ҳақиқий қадимийўртаерденгизи флораси (17 тур) билан жуда яқинлигини кўрсатиб туради. Айрим ареал типлари Турон ва Жанубий Урал флоралари орасидаги боғлиқликнинг ўта пастлигидан далолат беради. Қадимийўртаерденгизи ареал типига эга турлар гуруҳи катта эмас. Бунга сабаб, эҳтимол, биз ўрганган флоранинг парциялигидир. Бошқа томондан Европа ва Қадимийўртаерденгизи турларининг умумий миқдори деярли 2

баробар кўп (32 тур). Бунга мўътадил палеарктик ареал типига эга 17 турни ҳам қўшиш мумкин. Жанубий-палеарктик (яъни афро-ҳинд чўл ва осие литорал) турларининг (23 тур) кўплиги ҳам катта қизиқиш касб этади.

Диссертациянинг “Қизилқумнинг камёб ва йўқолиб кетаётган турлари ценотик популяциялари ҳолати” деб номланган тўртинчи бобида тадқиқот ҳудудининг олтига камёб ва йўқолиб бораётган ўсимликларининг фитоценотик тарқалиши бўйича маълумотлар баён қилинган, ценопопуляцияларнинг онтогенетик структураси таҳлил қилинган ва ўрганилган ценопопуляцияларнинг ҳолати баҳоланган.

Биринчи бўлимда Қизилқумда ўсувчи камёб турларнинг (*Iris hippolyti* (Vved.) Kamelin (1 ценопопуляция), *Ferula kyzylkumica* Korovin (12), *Lepidium subcordatum* Botsch. et Vved. (11), *Stipa aktauensis* Roshev (8), *Scorzonera bungei* Krasch. et Lipsch.(1) ва *Eremostachys eriolarynx* Pazij et Vved. (2)) 35 та ценотик популяциясига экологик-фитоценотик тавсиф берилган. Юқоридаги турлар ценопопуляцияларининг географик координаталари, ўсимлик жамоаларининг тур таркиби ва уларнинг мўллиги ҳамда тупрок характеристикаси келтирилган.

Бобнинг иккинчи бўлими ўрганилган турлар ценопопуляцияларининг онтогенетик структураси таҳлиliga бағишланган. Ўрганилган ценопопуляциялар ёш структурасидан келиб чиққан ҳолда 3 та тип спектрга ажратилди: чап томонлама, марказлашган ва ўнг томонлама. Ўрганилган турлар ценопопуляциялари нормал ҳолатда, аксарияти тўлиқ аъзоли эмас. Экологик-фитоценотик шароитлар ва турлар биологиясига қараб топ ареалга эга турларининг (*Iris hippolyti*, *Scorzonera bungei*) ўртача зичлиги 0,3-0,6 экз/м<sup>2</sup> ни ташкил қилади, бошқа турларда эса бу кўрсаткич 0,7-2,4 экз/м<sup>2</sup> гача ўзгариб туради.

*Чап томонлама спектрга эга ценопопуляциялар.* Бундай спектрга эга ценопопуляциялар бир-икки чўққили. Бундай ценопопуляцияларда максимум генератив онтогенетик ҳолатгача бўлган фракциялардан бирига тўғри келади. Чап томонлама спектрга эга бўлган барча ценопопуляциялар (*S. aktauensis* бундан мустасно) тўлиқ аъзоли эмас, аксарият ҳолларда қари фракциялар йўқ. Бундай спектрга эга ценопопуляцияларда ювенил (*L. subcordatum*), виргинил ёки ёш генератив туплар (*F. kyzylkumica*, *S. aktauensis*, *E. eriolarynx*) устунлик қилади. Ювенил туплар доминантлик қилувчи спектрлар мўл уруғ ҳосил қилиш ва ниҳоллар элиминацияси паст ҳолатларда шаклланади. Ценопопуляцияларда виргинил ёки ёш генератив тупларнинг устунлик қилиши ёш ўсимликларнинг жадал ривожланиши ва онтогенезнинг виргинил ёки ёш генератив босқичларининг нисбатан узоқ давом этиши билан асосланади. Тадқиқот пайтида *S. aktauensis* нинг чап томонлама спектрга эга айрим ценопопуляцияларида ёш фракцияларнинг учрамаганлиги бир томондан сув тошқини пайтида ушбу фракцияларнинг ювилиб кетиши билан тушунтирилса, бошқа томондан ценопопуляцияларда уруғдан кўпайиш бир маромда кетмаслигидан далолат беради.

*Марказлашган спектр типига эга ценопопуляциялар.* Спектрда чўққилар етилган генератив тупларга тўғри келади ва уларнинг улуши ўрганилган

ценопопуляцияларда 26,9% дан (*E. eriolarynx*) 75,0% гача (*L. subcordatum*) ўзгариб туради. Аксарият ҳолларда марказлашган ценопопуляцияларда ўсимликнинг ёш фракцияси аниқланмади. Тадқиқот пайтида ёш тупларнинг учрамаганлиги асосан иқлим шароитлари (ёш тупларнинг вақтинча юз берадиган сув тошқинлари оқибатидаги элиминацияси ёки аксинча, ёгин микдорининг етишмаслиги, юқори ҳарорат) ва яйлов босими, баъзан эса ҳудуднинг фитоценотик шароитлари билан боғлиқ. Буни Кулжуктоғ қояларидаги ёриқларда ўсаётган (чорва моллари ўтлаши учун нокулай майдонларда) *L. subcordatum* ценопопуляциялари мисолида кўриш мумкин. Бундай рельеф спектрнинг чап ва марказий қисмларидаги онтогенетик гуруҳларнинг тенг тақсимланишига имкон яратади. Бу ерда имматур туплар улуши 12,9%, ювенил, виргинил ва ёш генератив туплар улуши эса 19,4% дан, ўрта ёшли генератив туплар 22,6% ни ташкил қилади. Қарийётган генератив туплар улушининг пастлиги (6,5%) ва ценопопуляцияларда қари фракцияларнинг учрамаслиги ўрта ёшли генератив даврни анча узок давом этиши ва тупларнинг тез нобуд бўлиши билан боғлиқ.

Ўнг томонлама спектр типига эга ценопопуляциялар жуда кам учрайди. *S. aktauensis* нинг ўнг томонлама спектрга эга ягона ценопопуляцияси Оминзатоғнинг петрофит ўсимликлар гуруҳи таркибида аниқланди. Мазкур ценопопуляцияда қари генератив ҳолатдаги тупларнинг (25%) тўпланиши кузатилган. Спектрнинг марказий ва чап томонларидаги тупларнинг паст кўрсаткичлари ушбу ҳудудда сурункали мол боқилиши оқибатида ёш фракциялар элиминациясининг юқорилиги билан тушунтирилади. Таъкидлаш жоизки, мазкур ценопопуляция узок йиллар мобайнида чорва моллари боқиладиган ҳудудда ўсади.

Ценопопуляцияларнинг яшовчанлик ( $\Delta$ -дельта) ва самарадорлигини ( $\omega$ -омега) баҳолаш *F. kuzylkumica* (ЦП 1,3,5,7,8,9,10) ва *L. subcordatum* (ЦП 2,5,9,11) ценопопуляцияларининг аксарияти ёш ҳолатда эканлигини кўрсатди. Мазкур ценопопуляциялар ҳар хил ўтли-боялишзор, шувокли-боялишзор ва ҳар хил ўтли-терескензор жамоалари таркибида аниқланган. *Salsola arbuscula*, *Artemisia diffusa* ва *Krascheninnikovia ewersmanniana* каби бута ва яримбутачалар остида ўрганилган турлар уруғидан тикланиши ва ниҳолларнинг яшаб кетиши учун қулай шароитлар мавжуд. Етилган ва етиляётган ценопопуляциялар жами ўрганилган ценопопуляцияларнинг 41% ини ташкил этади. Қолдиқ тоғларнинг намлик билан нисбатан яхши таъминланган шимолий қияликлари ва сувайирғич қисмлари ҳамда қумлоқ тупроқлар (*Eremostachys eriolarynx* ЦП) спектрнинг чап томонида тупларни тенг тақсимланишига имкон яратади. *L. subcordatum* нинг 4 та, *S. aktauensis* нинг 5 та, *S. bungei* нинг 1 та ценопопуляцияси «дельта-омега» классификацияси бўйича етилган деб баҳоланди. Аммо *L. subcordatum* нинг 2 та етилган ценопопуляцияси қарийётган типга ( $\Delta=0,43-0,44$ ;  $\omega=0,93-0,94$ ) га яқинлашади. Ўрганилган турларда қарийётган ва қари ценопопуляциялар кузатилмади. Тупларнинг спектрнинг ўнг қисмида учрамаслиги ёки минимал улуши аксарият ҳолларда уларни онтогенезнинг олдинги босыиқларида ёуриб кетиши ёки ценопопуляциянинг сукцессив ҳолати билан боғлиқ.

